

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
VAZIRLAR MAHKAMASINING
QARORI



ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

«30 » март 2019 у.

№ 272

Toshkent sh.

**Транспорт воситаларини мажбурий тарзда техник
кўриқдан ўтказиш тартибини такомиллаштириш
чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси йўл хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 19 майдаги 377-сон қарорига мувофиқ автомототранспорт воситаларининг техник ҳолатини аниқлаш юзасидан мажбурий техник кўриқдан ўтказиш самарадорлигини янада ошириш, улардан фойдаланиш нормалари ва қоидаларига риоя этилиши устидан самарали назоратни ташкил этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Мажбурий техник кўрикка тақдим этилмаган автомототранспорт воситаларининг хисобини юритиш, уларнинг ҳолатини аниқлаш, шунингдек, фойдаланишга яроқсиз, утилизацияга топшириладиган ёки реализация қилиши мақсадида қисмларга бўлинадиган транспорт воситаларини хисобдан чиқариш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансан.

2. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги:

а) охирги 3 йил давомида мажбурий техник кўриқдан ўтказилмаган автомототранспорт воситаларини ялпи хатловдан ўтказилишини уч ой муддатда таъминласин;

б) тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

мажбурий техник кўриқдан ўтказилган автомототранспорт воситаларининг ягона электрон базасини 2019 йил 1 июнга қадар шакллантирсин;

белгиланган муддатда мажбурий техник кўриқдан ўтказилмаган автомототранспорт воситаларини бошқарганлик ҳолатларини “Маъмурий амалиёт” комплекс автоматлаштирилган ахборот тизимида автомотлаштирилган тарзда қайд этиш механизмини 2019 йил 1 июляга қадар амалиётга жорий қилсан;

в) Ўзбекистон Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш республика кенгаси билан биргаликда оммавий ахборот воситаларида ҳафтанинг ҳар жума куни ўтказиладиган “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тарғибот куни” доирасида:

мазкур қарорнинг мохияти ва аҳамияти ҳамда автомототранспорт воситаларини техник кўриқдан ўтказиш тартиби мажбурийлиги ва муҳимлигини;

утилизация ёки реализация қилиш мақсадида қисмларга бўлиб сотиш учун хисобдан чиқарилаётган фойдаланилмаётган автомототранспорт воситаларининг эгалари, уларни ўз вақтида мажбурий техник кўриқдан ўтказишга тақдим этмаганликлари учун маъмурий жавобгарликка тортилмасликлари кенг ёритилишини таъминласинлар;

г) манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўzlари қабул қилган норматив-хукукий хужжатларни бир ой муддатда ушбу карорга мувофиқлаштирсинлар.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири П.Р. Бобожонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил 30 мартдаги 272-сон қарорига
илова

**Мажбурий техник кўрикка тақдим этилмаган автомототранспорт
воситаларининг ҳисобини юритиш, уларнинг ҳолатини аниқлаш,
шунингдек, фойдаланишга яроқсиз, утилизацияга топшириладиган
ёки реализация қилиш мақсадида қисмларга бўлинадиган транспорт
воситаларини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом жисмоний шахсларга тегишли бўлган ва мажбурий техник кўрикка тақдим этилмаган автомототранспорт воситаларининг ҳисобини юритиш, уларнинг ҳолатини аниқлаш, шунингдек, жисмоний шахсларнинг фойдаланишга яроқсиз, утилизацияга топшириладиган ёки реализация қилиш мақсадида қисмларга бўлинадиган транспорт воситаларини ҳисобдан чиқариш тартибини белгилайди ва мазкур Низомнинг 1-иловасидаги схемага мувофиқ амалга оширилади.

Низом юридик шахсларнинг фойдаланишга яроқсиз, утилизацияга топшириладиган ёки реализация қилиш мақсадида қисмларга бўлинадиган транспорт воситаларини ҳисобдан чиқариш учун татбиқ этилмайди.

2. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати (кейинги ўринларда ДИХХХ деб аталади) органларида давлат рўйхатидан ўтказилмаган автомототранспорт воситаларига татбиқ этилмайди.

**2-боб. Мажбурий техник кўрикка тақдим этилмаган
автомототранспорт воситаларининг ҳисобини юритиш**

3. ДИХХХ органлари томонидан ўтказиладиган мажбурий техник кўрикнинг умумлаштирилган якуний натижаларига кўра ҳисбот йилида мажбурий техник кўрикка тақдим этилиши белгиланган, бироқ техник кўрикка тақдим этилмаган автомототранспорт воситалари рўйхати ҳисбот йилининг 10 ноябринча электрон ва босма шаклларда мазкур Низомнинг 2-иловасига мувофиқ тузилади.

Бундай автомототраспорт воситаларининг рўйхати Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва вилоятлар ички ишлар бошқармалари туман (шаҳар) ички ишлар бўлимларининг йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлими (бўлинмаси, гурухи) ҳамда Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси (кейинги ўринларда ДИХХХ худудий органи деб аталади) томонидан туман (шаҳар) бўйича тузилади.

4. ДИХХХ худудий органи раҳбари томонидан ҳисобот йилининг 20 ноябрига қадар мажбурий техник кўрикка тақдим этилмаган автомототранспорт воситалари эгаларига мазкур Низомнинг З-иловасига мувофиқ билдиришномалар юборилади.

Билдиришномада қуидагилар кўрсатилади:

белгиланган муддатда техник кўрикка тақдим этилмаган автомототраспорт воситасининг русуми ва давлат рақами белгиси;

автомототранспорт воситаларини техник кўрикдан ўтказишнинг мажбурийлиги ва муҳимлиги;

техник кўрикдан ўтказилганлиги учун ундириладиган йифим миқдори;

техник кўрикдан ўтказиш учун автомототранспорт воситасининг эгаси ёки унинг ваколатли шахси томонидан тақдим этиладиган ҳужжатлар рўйхати;

автомототранспорт воситасини техник кўрикдан ўтказиш жойига олиб бориш мумкин бўлмаган тақдирда автомототранспорт воситаси эгасининг ёки ваколатли шахснинг мажбуриятлари;

автомототранспорт воситаларининг техник кўриги ўтказиладиган жой тўғрисидаги маълумотлар.

5. Ҳисобот йилининг 1 декабрига қадар охирги уч йил давомида мажбурий техник кўрикка тақдим этилмаган автомототранспорт воситаларининг рўйхати ДИХХХ худудий органлари томонидан мазкур Низомнинг 4-иловасига мувофиқ шакллантирилади.

Мазкур рўйхат ДИХХХ худудий органининг тегишли рўйхатга олиши имтиҳондан ўтказиш бўлим (бўлинма)ларидаги маълумотлар (эгалик қилувчи шахсга ва автомототранспортга доир маълумотлар, рўйхат манзили) билан таққосланади ва Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳри ички ишлар бош бошқармаси ва вилоятлар ички ишлар бошқармалари томонидан рўйхатга киритилган автомототранспорт воситаларининг худудийлиги бўйича ички ишлар туман (шаҳар) бошқарма (бўлим)ларига юборилади.

3-боб. Мажбурий техник кўрикка тақдим этилмаган автомототранспорт воситаларининг ҳолатини аниқлаш, фойдаланишга яроқсиз, утилизацияга топшириладиган ёки реализация қилиш мақсадида қисмларга бўлинадиган автомототранспорт воситаларини ҳисобдан чиқариш тартиби

6. Мажбурий техник кўрикка тақдим этилмаган автомототранспорт воситаларининг тасдиқланган рўйхати нусхалари Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси ва вилоятлар ички ишлар бошқармалари томонидан рўйхатга киритилган автомототранспорт воситаларининг худудийлиги бўйича ички ишлар туман (шаҳар) бошқарма (бўлим)ларига юборилади.

7. Ички ишлар органларининг туман (шаҳар) бошқарма (бўлим)лари томонидан ҳисобот йилининг 31 декабрига қадар охирги уч йил давомида мажбурий техник кўрикка тақдим этилмаган автомототранспорт воситаларининг тасдиқланган рўйхатига асосан:

рўйхатга киритилган автомототранспорт воситаларининг ички ишлар органлари таянч пунктлари бўйича рўйхатлари ишлаб чиқилади;

худудида рўйхатда турган ва охирги уч йил давомида мажбурий техник кўрикка тақдим этилмаган автомототранспорт воситалари эгаларининг турар жой манзили бўйича, фуқароларнинг турар жой даҳлсизлигини бузмаган ҳолда, уларнинг розилиги билан инвентаризациядан ўтказилишини таъминлайди.

Инвентаризация жараёни худудий ички ишлар органлари бошлигининг буйруги асосида ДЙХХХ ходимлари ҳамда профилактика инспекторидан иборат таркибда тузиладиган гуруҳ томонидан амалга оширилади. Профилактика инспектори гуруҳ раҳбари ҳисобланади. Гуруҳлар фаолиятини ташкил этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланади.

Инвентаризация жараёнига, заруратдан келиб чиқсан ҳолда, ички ишлар органларининг ёнгин хавфсизлиги ва бошқа хизматлари, шунингдек, шу худуд фуқаролар йигинлари фаоллари (вакиллари, посбонлари) ва худудий нодавлат ташкилотлари вакиллари ҳам жалб этилиши мумкин.

8. Инвентаризация жараёнида:

автомоторанспорт воситасининг эгаси мазкур Низомнинг 4-бандига мувофиқ билдиришномадаги маълумотлар билан таниширилади, зарур ҳолатларда, профилактик тушунтириш ишлари ўтказилади;

автомоторанспорт воситаси эгаси (ёки унинг қариндоши, ваколатли вакили)нинг паспорти ёки шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжати, рўйхатдан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳномаси (техник паспорти)нинг амалда мавжудлиги, бутлиги, техник ҳолати ва рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгилари кўздан кечирилади;

кўздан кечирилаётган автомоторанспорт воситаси билан боғлик йўл ҳаракати ва транспорт воситаларидан фойдаланиш соҳасида хукуқбузарлик содир этилганлиги аниқланса, ушбу ҳолат белгиланган тартибда расмийлаштирилади;

автомоторанспорт воситаси мавжуд бўйлмаса, унинг қаерда ва қандай асосга кўра фойдаланилаётганлиги ёки сақланаётганлиги, мажбурий техник кўриқдан ўтказилмаганлигининг сабаблари аниқланади.

Ушбу Низомнинг 5-иловасига мувофиқ далолатнома уч нусхада расмийлаштирилади.

Далолатномада кўздан кечирилган автомоторанспорт воситасининг техник ҳолати тўлиқ акс эттирилади.

Автомоторанспорт воситасининг ҳолати юзасидан тузилган далолатнома гуруҳ аъзолари, автомототранспорт воситасининг эгаси (ёки унинг қариндоши, ваколатли вакили) ва холислар томонидан имзоланади.

Далолатнома ҳар бир автомототранспорт воситаси учун алоҳида тузилади.

9. Инвентаризация натижалари бўйича тузилган далолатномаларнинг нусхалари ДЙХХХ органининг автомототранспорт воситаси ҳисобда турган тегишли рўйхатга олиш-имтиҳондан ўтказиш бўлим (бўлинма)ларига ва ДЙХХХ худудий органига юборилади, бир нусхаси автомототранспорт воситасининг эгасига берилади.

10. Инвентаризация натижасидан келиб чиққан ҳолда автомототранспорт воситасининг эгасига:

келгусида автомототранспорт воситасидан фойдаланмоқчи бўлган тақдирда, уни мажбурий техник кўрикдан ўтказиш;

давлат рақами белгиси ва (ёки) автомототранспорт воситаларининг рўйхатдан ўтганлик гувоҳномаси йўқотилганлиги аниқланганда, янги давлат рақами белгиси ва (ёки) рўйхатдан ўтганлик гувоҳномаси олиш;

автомототранспорт воситаси белгиланган тартибда келгусида фойдаланишга яроқсиз деб ҳисобланганда, бир ой муддатда уни таъмирлаб, фойдаланишга яроқли ҳолга келтириб мажбурий техник кўрикдан ўтказиш ёки ҳисобдан чиқариш ҳакида хабарнома юборилади.

11. Инвентаризация натижаси ёки ўз ҳоҳишига кўра мулкдор ўзига тегишли автомототранспорт воситасини қисмларга бўлинган ҳолда сотиш ёки утилизацияга топшириш учун ДИҲХХХ органларига ҳисобдан чиқариш тўғрисида ариза билан мурожаат қилиб, автомототранспорт воситасининг давлат рақами белгиси ёки рўйхатдан ўтганлик гувоҳномасини тақдим этган тақдирда, шунингдек, автомототранспорт воситасининг давлат рақами белгиси ёки рўйхатдан ўтганлик гувоҳномаси йўқотилганлиги натижасида тақдим этилмаган ёки яроқсиз ҳолда тақдим этилганда ҳам автомототранспорт воситаси 1 иш кунида ҳисобдан чиқарилади.

12. Белгиланган тартибда фойдаланишга яроқсиз деб ҳисобланган автомототранспорт воситаларининг эгалари хабарнома юборилган кундан бошлаб бир ой муддат ичida автомототранспорт воситалари ДИҲХХХ органларига рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этмаган тақдирда, автомототранспорт воситаси ДИҲХХХ худудий органи бошлиғи қарорига асосан ҳисобдан чиқарилади ва бу ҳақда 3 иш кунида автомототранспорт воситасининг эгасига ёзма тартибда хабардор қилиниб, қабул қилинган қарор юзасидан судга шикоят қилиш хукуқи тушунтирилади.

Тегишилигидан қатъи назар, қонун ҳужжатларига мувофиқ тасарруф этилиши тақиқланган ёки хатлаб қўйилган барча автомототранспорт воситасилари бундан мустасно.

ДИҲХХХ худудий органи бошлиғи қарорига кўра мажбурий ҳисобдан чиқарилган автомототранспорт воситалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 31 августдаги 683-сон қарори билан тасдиқланган Автомототранспорт воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисида Низом талаблари асосида қайта ҳисобга қўйилиши мумкин. Бунда автомототранспорт воситасини эҳтиёт қисмлар ва агрегатлардан тайёрлаш ва йиғиш Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси томонидан бериладиган рухсат асосида амалга оширилади.

13. ДИҲХХХ худудий органи бошлигининг қарорига кўра ҳисобдан чиқарилган автомототранспорт воситаларининг алоҳида рўйхати юритилади.

14. Белгиланган тартибда фойдаланишга яроқсиз деб ҳисобланган, мулкдорнинг ҳоҳишига кўра утилизацияга топшириладиган ёки реализация қилиш мақсадида қисмларга бўлинадиган автомототранспорт воситаларини ҳисобдан

чиқариш жараёнида мулқор ўзига тегишли бўлган автомототранспорт воситасининг давлат рақами белгилари ёки рўйхатдан ўтганлик гувоҳномаси йўқолганлиги, уларни яроқсиз ҳолга келтирганлик учун жаримага тортилмайди.

Бунда мулқор йўқолган давлат рақами белгилари ёки рўйхатдан ўтганлик гувоҳномаси топилган тақдирда уларни худудий ДИХХХга топшириш ҳамда улардан ноқонуний фойдалангандик учун қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилиши тўғрисида огоҳлантирилади.

Автомототранспорт воситасининг эгасига белгиланган тартибда автомототранспорт воситасининг фойдаланишга яроқли бўлган қисмлари ва рақамли агрегатларини реализация қилиш учун ёки ҳисобдан чиқарилганлиги тўғрисидаги тегишли маълумотнома берилади.

15. Автомототранспорт воситаларининг давлат рақами белгиси ёки рўйхатдан ўтганлик гувоҳномаси йўқолганлиги ҳолатлари бўйича ДИХХХ органлари томонидан уларни қидириш ҳаракатлари амалга оширилади.

16. Автомототранспорт воситаларини утилизацияга қабул қилиши “Ўзметкомбинат” АЖ томонидан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги билан келишган ҳолда тасдиқланадиган тартиб асосида “Ўзметкомбинат” АЖнинг худудий корхоналари ёки ихтисослаштирилган ташкилотлар томонидан амалга оширилади.

4-боб. Якунловчи қоида

17. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

**Мажбурий техник кўрикка тақдим этилмаган
автомототранспорт воситаларининг хисобини юритиш,
уларнинг ҳолатини аниқлаш, шунингдек, фойдаланишига
яроқсиз, утилизацияга топшириладиган ёки реализация қилиш
мақсадида қисмларга бўлинадиган транспорт воситаларини
хисобдан чиқариш тартиби тўғрисидаги низомга
1-илова**

**Мажбурий техник кўрикка тақдим этилмаган автомототранспорт воситаларининг
хисобини юритиш, уларнинг ҳолатини аниқлаш, шунингдек, фойдаланишига яроқсиз,
утилизацияга топшириладиган ёки реализация қилиш мақсадида қисмларга бўлинадиган
транспорт воситаларини хисобдан чиқариш тартиби бўйича**

СХЕМА

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	ИИВ-ИИББ-ИИБ туман (шаҳар) ИИБнинг ЙҲҲ бўлими (бўлинмаси, гурухи)	Мажбурий техник кўриккниг умумлаштирилган якуний натижаларига кўра хисобот йилида мажбурий техник кўрикка тақдим этилиши белгиланган, бироқ техник кўрикка тақдим этилмаган автомототранспорт воситалари рўйхатини электрон ва босма шаклларда тузиш.	Хисобот йилининг 10 ноябригача
2-босқич	туман (шаҳар) ИИБнинг ЙҲҲ бўлими (бўлинмаси, гурухи)	Мажбурий техник кўрикка тақдим этилмаган автомототранспорт воситалари эгаларига билдиришномалар юбориш.	Хисобот йилининг 20 ноябригача
3-босқич	ИИВ-ИИББ-ИИБ туман (шаҳар) ИИБ ЙҲҲ бўлими (бўлинмаси, гурухи)	Охирги уч йил давомида мажбурий техник кўрикка тақдим этилмаган автомототранспорт воситаларининг рўйхатини шакллантириш.	Хисобот йилининг 1 декабригача
4-босқич	ИИВ-ИИББ-ИИБ ЙҲҲ бошқармалари	Мажбурий техник кўрикка тақдим этилмаган автомототранспорт воситаларининг тасдиқланган рўйхати нусхаларини худудийлиги бўйича ички ишлар туман (шаҳар) бошқарма (бўлим)ларига юбориш.	
5-босқич	Ички ишлар органлари туман (шаҳар) бошқарма (бўлим)лари	Худудий ички ишлар органлари бошлиғининг бўйруғи асосида ДИҲҲҲ ходимлари ҳамда профилактика инспекторидан иборат таркибда гурӯхлар ташкил этиш.	10 кунда
6-босқич	ДИҲҲҲ ходимлари ҳамда профилактика инспекторидан иборат гурӯхлар	Охирги уч йил давомида мажбурий техник кўрикка тақдим этилмаган автомототранспорт воситаларини эгаларининг турар жой манзили бўйича, фуқароларнинг турар жой даҳсизлигини бузмаган ҳолда, уларнинг розилиги билан инвентаризациядан ўтказиш.	Хисобот йилининг 31 декабридан кейинги йилнинг 1 февралягача



Мажбурий техник кўрикка тақдим этилмаган
автомототранспорт воситаларининг хисобини юритиш,
уларнинг ҳолатини аниқлаш, шунингдек, фойдаланишга
яроқсиз, утилизацияга топшириладиган ёки реализация қилиш
мақсадида қисмларга бўлинадиган транспорт воситаларини
хисобдан чиқариш тартиби тўғрисидаги низомга
2-илова

_____ тумани (шахри) худудида _____ йилда мажбурий техник кўрикка тақдим этилиши белгиланган,
бироқ техник кўрикка тақдим этилмаган автомототранспорт воситалари

РЎЙХАТИ

T/p	Автомототранспорт воситаси эгасининг Ф.И.О.	Рўйхат манзили	Русуми	Тури	Давлат раками белгиси	Ишлаб чиқарилган йили	Кузов №	Двигатель №	Шасси №	Мажбурий техник кўрикка тақдим етилиши белгиланган вақт

_____ тумани (шахри) ИИБ
ЙҲҲБ бошлиғи

имзо

Ф.И.О.

20____ йил “____” _____

Мажбурий техник кўрикка тақдим этилмаган
автомототранспорт воситаларининг ҳисобини юритиш,
уларнинг ҳолатини аниқлаш, шунингдек, фойдаланишга
яроксиз, утилизацияга топшириладиган ёки реализация қилиш
мақсадида кисмларга бўлинадиган транспорт воситаларини
ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисидаги низомга
3-илова

**Автомототранспорт воситаси мажбурий техник кўрикка
тақдим этилмаганлиги юзасидан
БИЛДИРИШНОМА**

Сизга тегишли бўлган “_____” русумли, _____ давлат рақами белгиси
бўлган транспорт воситаси _____ йил ҳисобидан мажбурий техник кўрикка
белгиланган муддатда тақдим этилмади.

“Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ти Ўзбекистон Республикаси Қонунига
(17-модда) мувофиқ йўл ҳаракатида фойдаланиладиган транспорт воситаларининг
техник ҳолати ва ускуналари йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасидаги норматив
хужжатлар талабларига мувофиқ бўлиши ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида
фойдаланишда бўлган ва белгиланган тартибда рўйхатга олинган транспорт
воситалари мажбурий техник кўриқдан ўтказилиши керак.

Транспорт воситаларининг мажбурий техник кўриги Вазирлар Маҳкамасининг
2003 йил 31 январдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган Транспорт воситаларини
мажбурий техник кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомда белгиланган
тартибда транспорт воситаларининг техник ҳолати ва ускуналарининг йўл ҳаракати
хавфсизлиги техник регламентлари ёки стандартлари, қоидалари, нормаларига
мувофиқлигини баҳолаш, транспорт воситалари сонини, уларнинг ҳолатини, амалда
мавжудлигини, тегишлилигини ва бошқа рўйхатдан ўтказиш маълумотларини
аниқлаштириш, йўл ҳаракати ва транспорт воситаларидан фойдаланиш соҳасида
хуқуқни бузишлар ва жиноятларнинг олдини олиш, аниқлаш ва барҳам бериш
мақсадида ўтказилади.

Сизга тегишли бўлган “_____” русумли, _____ давлат рақами белгиси
бўлган транспорт воситасини техник кўриқдан ўтказиш учун ундириладиган йигим
микдори _____ сўм.

Ушбу транспорт воситасини мажбурий техник кўриқдан ўтказиш учун уни
куйидаги хужжатлар билан биргалиқда кўрикка тақдим этишингиз сўралади:

мазкур транспорт воситасини бошқариш хуқуқини берувчи ҳайдовчилик
гувоҳномаси;

транспорт воситасининг рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома
(техник паспорт, техник талон);

газ ёнилғисида ишлашга қайта жиҳозланган транспорт воситасига ўрнатилган
газ баллонининг сертификатлаштириш органи томонидан берилган мувофиқлик
сертификати нусхаси.

Транспорт воситасини техник кўрикка _____ куни қуийдаги манзилга тақдим
етишингиз сўралади _____

Агар транспорт воситасини техник кўриқдан ўтказиш жойига олиб бориш имкони бўлмаса ДҶХХнинг худудий органига ёзма ариза билан мурожаат қилишингиз ва куйидаги ҳужжатларни тақдим этишингиз сўралади:

паспорт ёки шахсни тасдиқловчи бошқа ҳужжат (ҳарбий хизматчилар — шахсий гувоҳнома ва турар жойидан маълумотнома; Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида ёки Адлия вазирлигида белгиланган тартибда аккредитация қилинган халқаро ва хорижий ташкилотлар ходимлари — тегишли равишда Ташқи ишлар вазирлиги ёки Адлия вазирлиги томонидан аккредитация қилинганилиги тўғрисида белги қўйилган аккредитация карточкалари ва миллий паспортлари; бошқа хорижий фуқаролар — ички ишлар органларида рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида белги қўйилган миллий паспортлари ёки Ўзбекистон Республикасида яшаш руҳсатномаси; фуқаролиги бўлмаган шахслар — Ўзбекистон Республикасида яшаш руҳсатномаси);

ушбу транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳайдовчилик гувоҳномаси;

транспорт воситасининг рўйхатдан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳнома (техник паспорт, техник талон);

агар транспорт воситаси газ ёнилғисида ишлаш учун қайта жиҳозланган бўлса:

Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси томонидан берилган газ баллонларини синовдан ўтказиш ҳуқуқини берувчи руҳсатнома мавжуд бўлган ташкилот томонидан газ ёнилғисида ишлаш учун қайта жиҳозланган транспорт воситаларининг газ баллонлари синовдан ўтказилганлиги тўғрисидаги далолатнома;

сертификатлаштириш органи томонидан берилган газ ёнилғисида ишлаш учун қайта жиҳозланган транспорт воситаларига ўрнатилган газ баллонларининг мувофиқлик сертификати нусхаси.

ТҲС ва Субъектнинг транспорт воситасининг техник ҳолати тўғрисидаги маълумотномаси — шундай маълумотнома бўлганда.

_____ тумани (шахри) ИИБ _____

ЙҲҲБ(Г) бошлиғи (кatta инспектори)

(имзо)

(Ф.И.О.)

Мажбурий техник кўрикка тақдим этилмаган
автомототранспорт воситаларининг хисобини юритиш,
уларнинг ҳолатини аниқлаш, шунингдек, фойдаланишига
яроқсиз, утилизацияга топшириладиган ёки реализация қилиш
мақсадида қисмларга бўлинадиган транспорт воситаларини
хисобдан чиқариш тартиби тўғрисидаги низомга
4-илова

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”
ЙҲҲБ бошлиги**
(ИИВ, ИИБ, ИИБ)

унвони, Ф.И.О.

(имзо, муҳр)
20__ йил “___”

тумани (шаҳри) худудида _____ йиллар давомида мажбурий техник кўрикка
тақдим этилмаган автомототранспорт воситалари
РЎЙХАТИ

T/p	Автомототранспорт воситаси эгасининг Ф.И.О.	Рўйхат манзили	Русуми	Тури	Давлат рақами белгиси	Ишлаб чиқарилган йили	Кузов №	Двигатель №	Шасси №	Охиригина мажбурий техник кўрикка тақдим етилган йили

“ТУЗДИ”

ЙҲҲБ бошлиги*

(туман-шаҳар ИИБ)

унвони, Ф.И.О.

20__ йил “___” (имзо)

“МАЪЛУМОТЛАР ТЕКШИРИЛДИ”

ЙҲҲБ РОИЎБ бошлиги

(ИИВ-ИИБ-ИИБ)

унвони, Ф.И.О.

20__ йил “___” (имзо)

*) Тошкент шаҳри худуди бўйича мазкур рўйхат Тошкент шаҳар ИИБ ЙҲҲБ Техника назорати бўлими томонидан тузилади ва унинг бошлиги томонидан имзоланади.

